

ШНҚ 2.08.01-19 “Турар-жой бинолари”га киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2.1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.1. Турар жой бинолари қурилиши ва реконструкция қилиниши ушбу шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда ШНҚ деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари асосида бажарилган лойиҳалар бўйича амалга оширилиши керак.”.

2. 2.3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.3. Биноларнинг қаватлилиги, узунлиги ва композицион-тархий ечимлари қурилиш лойиҳа ҳужжатлари, ушбу ШНҚ ҳамда ёнғин ва сейсмик хавфсизлиги (ШНҚ 2.01.02 ва ШНҚ 2.01.03) талабларига биноан аниқланади.

Қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларни жойлаштириш учун ихтисослаштирилган квартирали турар жой бинолар ҳамда интернат-уйлар 3-каватдан баланд бўлмаслиги керак.”.

3. 2.11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.11. Яшаш хоналарини ертўла қаватларда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Янги қурилаётган турар жой биноларининг ярим ертўла (цокол) қаватларида қуйидаги шартлар бажарилган ҳолларда яшаш хоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади:

ерости сувлари ер сатҳидан 3 m ва ундан пастда бўлган ҳудудларда;

ярим ертўла (цокол) қаватининг камида 1/3 қисми ер сатҳидан юқорида лойиҳалаштирилганда;

ярим ертўла (цокол) қавати хоналарининг полдан шифтгача бўлган баландлиги 2,4 m дан кам бўлмаганда;

ярим ертўла (цокол)дан ўтувчи горизонтал муҳандислик тизимлар (тармоқлар) яшаш хоналарини инобатга олган ҳолда жойлаштирилганда;

хоналарнинг ташқи деворлари ва полларида иссиқлик ҳимояси таъминланганда;

0331-16-сон СанҚваН талаблари бажарилганда;

яшаш хоналаридан тўғридан-тўғри ташқарига чиқувчи деразалар ўрнатилганда;

табiiй ёруғлик ва инсоляция даражасининг 22 февралдан 22 октябргача бўлган даврда 2 соатдан кам бўлмаган даражаси таъминланганда;

хавонинг яхши айланиши (механик вентиляцияси) таъминланганда;

ярим ертўла (цокол) қаватидаги ошхона ва санитария хоналари канализация тизими бинонинг умумий канализация тизими сатҳидан юқори

жойлашганда ҳамда қайтарувчи клапан билан жиҳозланганда;

таом тайёрлаш учун электр плиталардан фойдаланилганда;

табiiй ва суюлтирилган газларда, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларда ҳамда портлаб ёниш хавфига эга бўлган бошқа моддалар ва материалларда ишловчи қурилма ва асбоб-ускуналар кўзда тутилмаганда.

Ярим ертўла (цокол)да яшаш хонадонлари жойлаштирилганда қуйидаги эвакуация талаблари таъминланиши лозим:

кириш эшиклари ташқи томонга очилиши ҳамда ёнғин хавфи вужудга келганда одамларни эвакуация қилиш учун камида иккита тўғридан-тўғри ташқарига чиқувчи жойлари кўзда тутилиши;

хонадонлар факатгина йўлак типиди лойиҳалаштирилиши ҳамда квартирадан эвакуация чиқиш жойига биттадан кўп бўлмаган бурилиш орқали етиб борилишини таъминланиши;

хонадоннинг чиқиш эшигидан энг узокда жойлашган эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофа 12 метрдан ошмаслиги;

бинонинг юқори қаватлари билан ярим ертўла (цокол) қаватлари зина катаклари тўғридан-тўғри боғланмаслиги;

хар бир хонадондан ўлчамлари 0,8 x 1,2 m дан кам бўлмаган авария чиқиш жойлари билан таъминланиши;

авария чиқиш жойлари одамларни қутқаришга тўсқинлик қилувчи воситалар билан тўсилмаслиги (металл панжара ва бошқа турдаги тўсиқлар).

Ярим ертўла қаватида жойлашган хонадонларнинг фойдали ва яшаш майдонлари лойиҳаларда 0,5 коэффициент билан ҳисобга олинади.”.

4. 3.3-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3.3. Кам қаватли хусусий бир хонадонли уйлар, яшаш ва хўжалик хоналар блокларини кичик очик ховли атрофида жойлаштириб лойиҳалаштириш мумкин, шунингдек хоналараро очик ва ярим очик боғловлар (бостирма, галерея (йўлак) қўллашга йўл қўйилади.”;

“Изоҳлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Изоҳлар: 1. Бир хонадонли хусусий қуриладиган уйлар лойиҳаси, шу жумладан хоналар блокларини қўшиб қуриш лойиҳаси ушбу ШНҚ талабларига мувофиқ ишланади.

2. Хизмат кўрсатувчи кичик корхоналар блоки ва хусусий тадбиркорлик устахоналарини ёпиштириб (жуфтлаб) қуриш лойиҳалари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНҚ 2.07.01 ва ШНҚ 2.08.02) мувофиқ бўлиши керак.”.

5. 3.14-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3.14. Кўп квартирали турар-жой биноларининг биринчи (ёки ярим ертўла (цокол) қаватида, супириш-сидириш анжомларини сақлаш учун раковинали омборлар кўзда тутилиши керак.”;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ертўла ва ярим ертўла (цокол) қаватларда, техник қаватдан ташқари уйда яшовчилар учун хўжалик омборларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

Омборлар жойлаштирилган қаватдан чиқиш ёнғин хавфсизлиги талабларини (ШНҚ 2.01.02) ҳамда лойиҳалашнинг ушбу ШНҚ талабларини ҳисобга олган ҳолда (6.13, 6.14-б) кўзда тутилиши керак.”.

6. 3.15-банддаги “ўрнатилади, лойиҳалари эса ўрнатиган тартибда келишилади” деган сўзлар “белгиланади” деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 2-жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2-жадвал

Ётоқхоналар типи	Бинолар сиғими, ўрин	1 яшовчига яшаш майдони, m ² /од.	Сиғими, ўрин	
			хонада	яшаш ячейкасида*
I – ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари талабалари учун	100-600	6-7 (I а ва Iг остминтақалар учун-8)	2-3	4-12 (20 гача мумкин)
II а – ОЎЮ талабалари учун	100-1000	4,5-6 (I а ва Iг остминтақалар учун-9)	2-6 (4-8)	4-8 (10-12 гача мумкин)
II б – ОЎЮ аспирантлари, ишчи ва хизматчилар учун	100-1000	7-8 (I а ва Iг остминтақалар учун-9)	1-2 (3)	2-6 (8-10 гача мумкин)
III – кичик оилалилар учун (болали)	50-400	шунинг ўзи	2-3	2-3 (квартира типиди)

* Яшаш ячейкаси яшаш хоналар ва ёрдамчи хоналар (дахлиз, хожатхона, ошхоналар)ни ўз ичига олади.

Изоҳ: Ётоқхоналар ва яшаш ячейкалари сиғими лойиҳалаш топшириғида маҳаллий шароитларга қараб белгиланади. Оқовалаштирилмаган ҳудудларда ётоқхоналар сиғими 50 ўриндан ошмаслиги керак.

8. 4.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.5. Ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасалари талабалари учун I тип ётоқхоналарда 50 кишилиқ яшаш гуруҳи таркибиди яшаш ячейкаларини хоналарнинг қуйидаги таркиби билан тўплашни (тузиш) кўзда тутиш лозим:

тарбиячи хонаси (8 m²);

дам олиш ва ўқув машғулотлари хонаси (30 m² дан 2 та);

кийим ювиш, қуритиш ва дазмоллаш хонаси (8 m²);

ошхона-кубхона (5 m²).

Санаб ўтилган хоналарнинг жами майдони 1 кишига 1,6 m² ҳисобидан қабул қилиниши керак. Лойиҳалаш топшириғи бўйича иш кийими ва пойабзалини сақлаш учун қўшимча хона (8-10 m²) кўзда тутилиши тавсия этилади.”.

9. 4.7-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4.7. Жамоатчилик хоналари (дам олиш ва мулокот, ўқув машғулотлари ва оммавий тадбирлар учун, медпункт, изолятор) одатда бинонинг ер устки қаватларида жойлашиши керак. Ертўла ва ярим ер тўла (цокол) қаватларда ШНҚ 2.08.02га мувофиқ кирсақлаш, асбоб-ускуналар, спорт анжомлари, омборлари, таъмирлаш устахоналари, хўжалиқ ва техник ҳамда баъзи жамоат хоналарини жойлаштириш мумкин.”.

10. 7-жадвалнинг матнидаги, 5.20-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 6.6 ва 6.8-бандларнинг иккинчи хатбошиларидаги, 6.10-банднинг биринчи хатбошисидаги, 6.11 ва 6.12-бандлардаги ва 1А-илованинг қирқ олтинчи хатбошисидаги “цокол” деган сўз “ярим ертўла (цокол)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 3-жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3-жадвал

Махсус турар жой тип	Майдон, м ² , 1 кишига, яшовчилар сонига, киши				
	50	100	200	300-500	600-800
Ётоқхона					
- ўқувчилар учун	2,6	2,5	2,5	2,5	2,5
- талабалар учун	2,5	2,4	2,4	2,4	2,4
- аспирантлар учун	2,6	2,5	2,5	2,5	2,3
- ишчи ва хизматчилар	2,3	2,2	2,2	2,0	1,8
Кичик оилалар ётоқхонаси	1,5	1,3	1,2	1,1	-
Изоҳлар:					
1. Ўқув юртлари ётоқхонаси жамоат хоналари майдонининг меъёри таркибида яшаш гуруҳининг жамоат хоналари ва бутун бинодаги жамоат хоналари ҳисобга олинган.					
2. Болали оилалар вақтинча яшайдиган ётоқхоналарда ва вестибюлда аравачалар сақлаш ва болаларни қисқа муддат бўлишлари учун хона (санитария хоналари билан камида 15 м ²) кўзда тутиш тавсия қилинади.					

12. 6.1-банддаги “кўпквартирали” ва “цокол” деган сўзлар тегишли равишда “кўп квартирали” ва “ярим ертўла (цокол)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 6.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.2. Кўп квартирали турар-жой уйларнинг ички туташтириб қурилган хоналарида, шунингдек ертўла ва ярим ертўла (цокол) қаватларида қуйидагиларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

уйни қуришда ўтириладиган жойлари сони лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилмаган, шунингдек соат 23.00 дан кейин ҳам ишлайдиган умумий овқатланиш корхоналари, ресторанлар, кафелар, кафетерийлар, барлар;

кимёвий товарлар, сабзавот ва балиқ маҳсулотларини, шунингдек газ баллон, кимё воситалари, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда портлаб ёниш хавфлилиги жиҳатидан хавфли бўлган бошқа моддалар ва материаллар бор бўлган маҳсулотларни сотувчи дўконлар;

ўз ишлаб чиқаришида тез ёнувчи моддаларни қўлловчи кимёвий тозалаш хоналари;

10 тадан ортиқ иш ўрнига эга бўлган пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари;

хаммомлар ва сауналар;

алоқа тармоқ станциялари, шаҳарлараро алоқанинг кеча-кундуз фойдаланиладиган сўзлашув пунктлари ва телеграф;

жамоат ҳожатхоналари;

маросимлар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш муассасалари;

саноат корхоналари фаолиятининг барча турлари;

уй ҳайвонлари ва паррандалари боқишга ёки кўпайтиришга мўлжалланган жойлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг транспорт воситалари учун гаражлар (махсус лойиҳа асосида қурилган гаражлар бундан мустасно);

яшаш жойлари, кинотеатр, ётоқхона ва меҳмонхоналар ташкил этиш.

Турар жой биносида ҳамда унинг томи ва конструкцияларида жамоат аҳамиятига эга бўлган бинога хизмат кўрсатишга мўлжалланмаган, ўзидан зарарли моддалар ажратувчи, шовқин ва вибрация ҳосил қилувчи, ёмон таъсир кўрсатувчи нурланиш манбаи бўлган қурилмаларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди, ушбу ШНҚга мувофиқ турар жой биноларида жойлаштириладиган штатли ускуна бундан мустасно.

Яшашга мўлжалланган ҳамда техник қаватларда ва чордоқларда кўчма ёки бошқача радиоалоқа база станциялари ҳамда бошқа радиоузатувчи қурилмаларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Яшашга мўлжалланмаган жамоатчилик ва маъмурий-хизматчилик хоналарида ШНҚ 2.08.02га мувофиқ автоматик ёнғин сигнализацияси, ёнғиндан хабарлаш ва автоматик ўт ўчириш кўзда тутилиши керак.

Синтетик буюмлар (гуллар, гиламлар) сотувчи магазинларни турар-жой биноларнинг оловбардошлик чегараси REI150 бўлган ёпиқ деворларига туташган хоналарда жойлаштиришга йўл қўйилади.

Лойиҳаланаётган кўп-квартирали 5 ва ундан кўп қаватли турар-жой уй-мажмуаларнинг ички туташган хоналарида кам сиғимли (1-2 группага) болалар ясли-боғчаси ва болаларни қисқа муддатда бўладиган хоналари ташқарига ўз мустақил чиқувчи йўли билан ва ШНҚ 2.08.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилиши мумкин.”.

14. 6.3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.3. Қурилган ва фойдаланилаётган турар жой биноларни реконструкция қилишда биринчи қаватда кичик савдо-маиший корхоналар ҳамда идора ва офисларни ушбу ШНҚ талабларига риоя қилган ҳолда лойиҳалашга йўл қўйилади.

Қурилган ва фойдаланилаётган турар жой биноларни реконструкция қилишда биринчи қаватда савдо ва овқатланиш корхоналари, сартарошхона, офис ва идоралар, ишлаб-чиқариш жараёнлари бўлган маиший хизмат корхоналари, кийим тикиш ва таъмирлаш, кичик устахоналар ва қабул пунктларини жойлаштиришда ушбу ШНҚнинг 6.2-бандида келтирилган чекловлар инобатга олинishi лозим.

Мавжуд турар жой биноларининг техник тағхоналари, ертўла ва ярим ертўла (цокол) қаватларида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, хусусий бизнес устахоналари ва тадбиркорлик фаолияти объектлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилиши мумкин.

Кўп квартирали уйнинг ертўласида қуйидагилар жойлаштирилишига йўл қўйилади:

озик-овқат ва ноозик-овқат товарлари билан савдо қилиш дўконлари;

маиший хизмат кўрсатиш корхоналари (сартарошхоналар, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, оптика, соат созлаш устахоналари, тикувчилик

ва каштачилик, ателье);

умумий овқатланиш корхоналари (ресторанлар, кафе, кафетерийлар, музқаймоқ ва чанқовбосди ичимликлар барлари, газакхоналар);

банк хизматлари кўрсатиш ташкилотлари (банкларнинг бўлимлари ва валюта алмаштириш пунктлари);

алоқа хизматлари кўрсатиш ташкилотлари (почта бўлими) ва курьерлик фаолияти;

газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан савдо қилиш дўконлари;

бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш устахоналари;

гулчамбарлар, сунъий гуллар ва гул маржонларини тайёрлаш устахоналари;

рассомчилик ва ҳайкалтарошлик устахоналари;

хизмат кўрсатиш ва тадбиркорларнинг офислари ҳамда идоралари;

видео ва фотосуратга олиш ҳамда компьютер хизматлари;

таржима ва таҳрир хизматлари;

дизайн, чизмачилик-графика ташкилотлари;

кийим-кечак ва идишларни ижарага бериш ташкилотлари;

риэлторлик ташкилотлари;

газламаларга нақшлар солиш, трафаретли босма ва қўлда расм чизиш устахоналари;

жисмоний тарбия ва спорт муассасалари;

давлат ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари.”.

15. 6.13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.13. Янги қурилаётган турар-жой биноларининг ярим ертўла (цокол) ва ертўла қаватларида яшайдиганлар учун хўжалик омборлари ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ушбу ШНҚ ва ШНҚ 2.08.02 талабларига риоя қилган ҳолда жойлаштирилиши мумкин.

Бунда уйнинг муҳандислик коммуникацияларига хизмат кўрсатиш мақсадида тўсқинликсиз (қаршиликсиз) етиб бериш имконияти таъминланиши керак, шунингдек турар-жой биносининг ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена ҳолатларининг (булғатиш, ислар, шовқин) ёмонлашувига олиб келадиган хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Бундай хоналарга турар-жойга кириш томонидан кирадиган жойларни ташкил этишга рухсат этилмайди. Кириш ва чиқишлар ушбу ШНҚнинг 6.11-бандига мувофиқ бажарилиши керак.”.

16. 6.14-банддаги “цокол” ва “кўпквартирали” деган сўзлар тегишли равишда “ярим ертўла (цокол)” ва “кўп квартирали” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 9.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.2. Муҳандислик таъминоти тизимини қуришда ишлатиладиган ускуна, буюм ва материаллар амалдаги давлат стандарти талабларига жавоб бериши лозим.”.

18. 9.34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.34. Электр энергияси билан иситишда ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган электр иситиш асбобларидан фойдаланиш кўзда тутилиши лозим. Иситиш учун электр энергияси сарфи КМК 2.01.18да белгиланган меъёрлар доирасида бўлиши керак.”.

19. 2-иловада:

1-банддаги “кладовкалар” деган сўз “омборлар” деган сўз билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Квартиранинг умумий майдонини ундаги хоналар, омборлар ва ичига қурилган шкафлар ҳамда қуйидаги пасайтирувчи коэффициентлар билан ҳисобланадиган совуқ омборлар ва ёзги хоналар майдонлари йиғиндиси деб ҳисоблаш керак. Бунда:

совуқ омборлар ва ойнаванд ёзги хоналар учун – 1,0;

ойналанмаган лоджиялар учун – 0,5;

балкон ва терраса учун – 0,3.”;

10-банддаги “цокол” деган сўз “ярим ертўла (цокол)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 7-илованинг 1 ва 2-жадваллари матнидаги “кладовка” деган сўзлар “омбор” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 8-илованинг 2-жадвали матнидаги “кладовкали” деган сўз “омборли” деган сўз билан алмаштирилсин.”.

22. 11-илова матнидаги “Кладовкалар” деган сўз “Омборлар” деган сўз билан алмаштирилсин.

23. 12-илова матнидаги “кладовкаси” деган сўз “омбори” деган сўз билан алмаштирилсин.

24. 9-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

ШНҚ 2.08.01-19 “Турар-жой бинолари”га
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

“9-илова
Тавсиявий

Ётоқхоналар маданий-маиший, хўжалик ва ёрдамчи хоналар таркиби
ва ҳисоб кўрсаткичлари

№	Хоналар	Майдони, m ² /одам. сиғимида (киши)				
		50	100	200	400	600
1.	Вестибюль-холл, навбатчи, кутиш жойлари билан	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15
2.	Маъмурият (комендант) ва хизматчи ходимлар хоналари	0,16	0,10	0,06	0,05	0,04
3.	Шахсий буюмлар, спорт-анжомлари, хўжалик, кир сақлаш, супуриш-сидириш анжомлари сақлаш омборлари	0,3	0,25	0,2	0,17	0,15
4.	Машғулотлар хонаси	Талаба ва ўқувчилар учун				
		0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
		Ишчи ва хизматчилар учун				
		0,15	0,15	0,15	0,15	0,15
5.	Дам олиш хоналари	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15
6.	Маданий-оммавий тадбирлар хонаси (тўғарак, ўқиш зали, видеозал)	0,15	0,15	0,15	0,09	0,08
7.	Буфет ёрдамчи хонаси билан	-	0,2	0,18	0,16	0,14
8.	Маиший хизмат хоналари (буюртма столи ва б.)	-	-	0,11	0,11	0,1
9.	Изолятор	1 койка	1 койка	1 койка	2 койка	3 койка
		(майдони амалдаги меъёрлар бўйича)				
10	Кир ювиш, куритиш ва дазмоллаш хонаси	0,24	0,18	0,14	0,1	0,08
		(12m ² дан кам эмас)				
11	Ошхоналар	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8
		(12 m ² дан кам эмас)				
12	Кийим тозалаш ва дазмоллаш хонаси	0,1	0,08	0,07	0,06	0,05
		(8 m ² дан кам эмас)				
13	Кийим ва пойабзал куритиш хонаси	Жойдаги шароитга қараб (иш хусусиятини ҳисобга олиб) хонадан фойдаланувчининг ҳар бирига 0,2 m ² ҳисобидан, лекин 8 m ² дан кам эмас				

Изоҳлар:

1. Ётоқхоналарнинг ҳамма турлари учун жамоат хоналарининг умумий майдони ушбу ШНҚнинг 4.7-бандига мувофиқ қабул қилинади. Ўрта-махсус ўқув юртлари ўқувчилари ётоқхоналари жамоат хоналари майдонининг умумий меъёрлари таркибида, яшаш гуруҳи жамоат, ёрдамчи хоналари ҳам 1 кишига 1,5 m² ҳисобидан ҳисобга олинган бўлиши керак (4.5-бандига мувофиқ).

2. 100 ўрндан кам сиғимли ётоқхоналарда кир сақлаш ва хўжалик омборлар, ичига қурилган шкаф-стеллажлар билан алмаштирилиши мумкин.